

PEDAGOGIK MAHORAT

6
2020



ISSN 2181-6883

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

6-son (2020-yil, dekabr)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2020

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

2020, № 6

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrda qarori bilan pedagogika va psixologiya fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy

Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari doktori, dotsent

Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor

Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudova Muyassar, pedagogika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Sunnatova Ra'no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor

Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)

Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)

Belobrikina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)

Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)

Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoiri Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bo'taboyev Muhammadjon To'ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Qosimov Fayzullo Muhammedovich, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Jumayev Ulug'bek Sattorovich, psixologiya fanlari nomzodi, dotsent

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО

Научно-теоретический и методический журнал

№ 6, 2020

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решения ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по педагогике и психологии.

Журнал основан в 2001г.

Журнал выходит 6 раза в год

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

Учредитель: Бухарский государственный университет

Адрес редакции: Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор: Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор

Заместитель главного редактора: Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор

Ответственный редактор: Хамраев Алижон Рузикулович – доктор педагогических наук, доцент

Хамидов Обиджон Хафизович, доктор экономических наук, профессор

Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудов Мзлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор

Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор

Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор

Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)

Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудова Муяссар, доктор педагогических наук, профессор

Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор

Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор

Суннатова Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор

Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)

Морогин Владимир Григорьевич, доктор психологических наук, профессор (Абакан, Россия)

Белобрыкина Ольга Альфонсовна, кандидат психологических наук, профессор (Новосибирск, Россия)

Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)

Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор

Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор

Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор

Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор

Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор

Хаитов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор

Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор

Мирзаев Шавкат Мустахимович, доктор физико-математических наук, профессор

Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор

Бутабоев Мухаммаджон Туйчиевич, доктор экономических наук, профессор

Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор

Олимов Ширинбай Шарипович, доктор педагогических наук, профессор

Каххаров Отабек Сиддикович, доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент

Касимов Файзулло Мухаммедович, кандидат педагогических наук, доцент

Жумаев Улугбек Саттарович, кандидат психологических наук, доцент

PEDAGOGICAL SKILLS**The scientific-theoretical and methodical journal****# 6, 2020**

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic and Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal was founded in 2001.

The journal is published 6 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.

The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

Founder: Bukhara State University

Publish house:Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

EDITORIAL BOARD:

Chief Editor: Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov. **Deputy Editor:** Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade. **Editor:**DSc, Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

Doctor of Economics Sciences, Prof. Obidjan X. Xamidov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I.Ibrahimov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakieva (Bulgaria)
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof.M.Mahmudova
Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R.Baratov
Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov
Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I.Sunnatova
Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)
Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)
Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)
Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R.Amanov
Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev
Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva
Ph.D. of Philology, Prof. Shoira N. Akhmedova,
Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev
Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaitov
Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev
Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov
Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev
Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev
Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov
Ph.D. doctor of philosophy in economics Otabek S.Kahhorov
Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Fayzullo M. Kasimov
Ph.D. of Psychology Sciences, Prof.Ulugbek. S. Jumaev

MUNDARIJA

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA.....	7
Сиддиқ ҚАХҲОРОВ, Дилшод МИРЗОЕВ, Азизбек САЙФУЛЛАЕВ. Мутахассислик фанларни ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг ўзига хосликлари.....	7
Валихожа АТАХОЖАЕВ, Султонпошша АБДУЛЛАЕВА. Кейс технологии как инновационный метод.....	10
Насиба СОБИРОВА. Функции методической службы в формировании профессиональных компетенций учителей.....	13
Раъно АЛИМАРДАНОВА. Ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом муносабатларни таъминловчи миллий-психологик омиллар.....	16
Шахноза ШАРИПОВА. Таълим жараёнида инновацион технологиялар татбиқи.....	22
Nazokat SAYIDOVA, Gulbahor ZARIPOVA, Oriifjon HAYDAROV. Oliy ta'lim jarayonining kredit-modul tizimida professor-o'qituvchi bilan talabalarning pedagogik hamkorligi.....	28
Шабон ФАРМОНОВА. Лойиҳавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати.....	32
Шавкиддин АДАШБОЕВ. Олий таълим тизимини рақамлаштириш.....	36
Дилдора КАХХАРОВА. Теоретические основы организации инклюзивного образования в общеобразовательных школах.....	39
Шерзод АБДУРАҲМОНОВ. Бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқодни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг ўзига хос хусусиятлари.....	45
Гулноз ОЧИЛОВА, Гулнора МУСАХАНОВА. Ёшлардаги тadbиркорлик қobiliяти шакллантирилганлигининг гендер хусусиятлари.....	50
Yoqubjon DJUMANAZAROV. Barkamol avlod tarbiyasida g'oyaviy-mafkuraviy muammolarning psixologik aspektlari va ularning profilaktikasi.....	53
Зубайда БАХРОНОВА. Шарқ мутафаккирлари қарашларида ахлоқий маданият масалалари.....	59
Хусен САФОЕВ. Современные особенности диалектического развития морально-психологического фактора.....	63
Ҳасан БАҲРОМОВ. Ибн Сино маънавий меросида таълим-тарбия масаласи.....	68
Хусниддин ҲОМИДОВ. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг омиллари.....	72
M.Sh.XOLIEVA. Abu Ali ibn Sino shaxsi va uning ta'lim-tarbiya taraqqiyotiga qo'shgan hissasi.....	75
Шохрух САЛИХОВ, Тимур САЛИХОВ. Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг психо-физиологик асослари.....	80
Амрулло АБДУЛЛАЕВ. Буюк саркардаларнинг ҳарбий стратегиялари асосида ватан ҳимоячиларини тарбиялаш.....	84
Учқун БАЛИЕВ. Гуруҳ мураббийларининг талабалар билан тарбиявий жараёнини ташкил қилиш.....	87
Темир ОЛИМОВ. Талабаларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришда маънавий-маърифий ишларнинг мазмуни.....	90
Ситорабону ХОЛБОЕВА. Педагогические основы подготовки девушек студентов к семейным отношениям.....	93
Абдурашид ТУРҒУНОВ. Мактабгача ёшдаги болалар хотирасини ривожлантиришда психологнинг вазифалари.....	97
Жасур ОСТОНОВ. Копинг-стратегии: развитие в онтогенезе.....	102
Олмос АВЕЗОВ. Экстремал ва фавқултда вазиятлар тўғрисида замонавий тушунчалар.....	105
Ҳалим ҲАСАНОВ. Ўқувчиларда мусиқий тасаввурлар шаклланишининг педагогик-психологик аҳамияти.....	110
Жамол НОСИРОВ. Спортчиларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик хусусиятлари.....	113
МАКТАБГАЧА ВА БОШLANG'ICH TA'LIM.....	118
М.З.Файзуллаева, М.Э.Рустамова. Мактабгача таълим тизимининг сўнги йиллардаги ривожланиш ва тараққиёти таҳлили.....	118
Umedjon JUMAYEV, Zarina ASHUROVA. Jahon maktabgacha ta'limi rivojida noan'anaviy mashg'uatlar: Valdorf, Montessori pedagogikasi.....	121
FILOLOGIYA VA TILLARNI O'RGANISH.....	128
Насиба БОЗОРОВА. Юридик лексикани ўрганишда детектив асарларнинг роли.....	128

Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қўлланган кийим ва мато номлари.....	132
Sobit AVEZOV, Mahbuba SHARIPOVA. “Alpomish” dostoni-o‘zbek xalqi tarixining badiiy ifodasi	136
Гулчехра ИЗБУЛЛАЕВА. Фариддин Аттор асарларида аёл сиймоси садокат тимсоли сифатида..	139
Мухаммад ФАЙЗУЛЛАЕВ, М.М.Саидова. Инновационный подход к сравнительно-типологическому анализу одноименных сказок народов Восточной Азии	145
Зульфия ТУЕВА, Дилором ЮЛДАШЕВА. Высказывание и о его видах.....	149
Нодирбек ҚАМБАРОВ. Ўқувчининг нуткий компетенциясини ривожлантиришда психоллингвистиканинг ўрни	155
Гулзира МАДАМИНОВА. Ўқувчи мотивациясини ривожлантиришда таълимий драма технологиясидан фойдаланиш	160

ANIQ VA TABIIY FANLARNI O‘QITISH 164

Умида УМАРОВА. Мулоҳазалар алгебрасини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш методикаси.....	164
Комил МУҚИМОВ, Сиддиқ КАҲҲОРОВ, Гофуржон ЭШОНҚУЛОВ, Дилноза НОМОЗОВА, Мохинур САЛИМОВА. Сканловчи яқин майдонли оптик микроскоп.....	170
Siddiq QANHOROV, Abdimo‘min KARIMOV, Oynisa KARIMOVA. Kompetensiyaviy yondashuv asosida o‘quvchilarning tafakkurini oshirish.....	175
Ahat AHMEDOV. Yuqori malakali fizika o‘qituvchilarini tayyorlashda laboratoriya mashg‘ulotlarining o‘rni va ahamiyati	179
Мирзохид ТУРДИЕВ. Суюқ ва газ лазерларининг тиббиётда қўлланилиши.....	182
Холмухаммад АМОНОВ. Географияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари.....	186

TASVIRIY SAN‘AT VA MUSIQA TA‘LIMI 190

Саида ЭРГАШЕВА. Формирование у учеников художественных и культурных компетенций в виде проблемы	190
Алишер БЕРИКБАЕВ. Ўқув машғулотларида талабаларнинг касбий компетентликларини ривожлантиришнинг субъектив таъсири.....	193
Санокул ДЎСТОВ. Миллий мусиқа чолгуларнинг шаклланиши ва ривожланиши.....	198
Azamat RAJABOV. Markaziy Osiyoda musiqa san‘ati va cholg‘u ijrochiligining rivojlanishi	202
Рустам РАҲИМОВ. Мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларини ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг назарий асослари	205

JISMONIY MADANIYAT VA SPORT 209

Бегзод КАРИМОВ. Ўқувчи ёшларнинг жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиш жараёнида маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш	209
Руслан МЕЛЬЗИДДИНОВ. Специальная работоспособность футболистов как фактор подготовленности спортсменов	213
Фаррух ТУРКМЕНОВ. Миллий ўйинлар ва спорт байрамларининг инсон жисмоний ва ахлоқий-эстетик тараққиётидаги ўрни	216
Акрам АКМАЛОВ, Аксам УСМОНОВ. Спорт мутахассисларининг малака ошириш курсларида инновацион технологияларга интегратив ёндашув	220
Шухрат ХИДОЯТОВ. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбиянинг аҳамияти	225
Камол БЎРИЕВ. Кураш спорт турида тадқиқотларни ўтказиш усулларининг ўзига хослиги.....	229

Шерзод АБДУРАҲМОНОВ

Бухоро давлат университети

ҳарбий таълим факультети

ўқитувчиси

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ВАТАНГА ЭЪТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада таълим-тарбия жараёни муайян мақсадга йўналтирилган тизим бўлиб, унда баркамол шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Баркамолликнинг муҳим белгиларидан бири эса инсон фаолиятида ватанга эътиқоднинг намоён бўлишидир. Педагогик жараённинг муайян қисмини бошланғич синф ўқувчиларида ҳудди мана шу ватанга эътиқодни шакллантиришга йўналтириш зарур. Бу борада ўқувчиларга таълим ва тарбия беришнинг асосий омил бўлган дарс жараёнининг аҳамияти катта. Ушбу асосий омил орқали бошланғич синф ўқувчилари “ватан”, “ватанпарварлик”, “она-Ватан”, “истиклол” каби тушунчаларнинг мазмунини англаб, ватанга садоқат, эътиқод руҳида тарбияланиб борадилар.

Калит сўзлар: дарс, ватанга эътиқод, ўқувчи, таълим жараёни, педагогик жараён.

В статье рассматривается, что процесс воспитания и обучения представляет собой систему, направленную на достижение определенной цели, в которой особое внимание уделяется формированию гармоничной личности. Одним из важных признаков совершенства является проявление веры в родину в деятельности человека. Необходимо направить определенную часть педагогического процесса на формирование у младших школьников той же веры в свою Родину. В этом отношении большое значение имеет процесс урока, который является основным фактором обучения и воспитания учащихся. Благодаря этому основному фактору учащиеся начальных классов осознают содержание таких понятий, как “Отечество”, “патриотизм”, “Родина-мать”, “независимость”, воспитываются в духе преданности Отечеству, веры.

Ключевые слова: урок, вера в Родину, школьник, образовательный процесс, педагогический процесс.

The article considers that the process of education and training is a system aimed at achieving a certain goal, in which special attention is paid to the formation of a harmonious personality. One of the most important signs of perfection is the manifestation of faith in the motherland in human activity. It is necessary to direct a certain part of the pedagogical process to the formation of younger students of the same faith in their Homeland. In this regard, the lesson process is of great importance, which is the main factor in teaching and educating students. Thanks to this basic factor, primary school students are aware of the content of such concepts as “Fatherland”, “patriotism”, “Motherland”, “independence”, are brought up in the spirit of devotion to the Fatherland, faith.

Key words: lesson, faith in the Motherland, student, educational process, pedagogical process.

Дарс – таълим ва тарбия ишларининг марказий қисми ҳисобланиб, бошланғич синф ўқувчиларини билим, кўникма, малакалар билан куроллантириш билан бирга, уларни миллий қадриятларимиз ҳақида тушунчага эга бўлишида, миллий қадриятларда акс этган ахлоқий сифатларни ўқувчиларда ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бизга маълумки, бошланғич синфларда ўқитиладиган «Ўқиш» ва «Одобнома» дарслари ҳам умумий дидактик талабларга жавоб бериши, жумладан дарсда мавзунинг характерида келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига таяниши, ундан фойдаланиш имкониятларини излаши лозим. Шубҳасиз, мустақиллик йилларида таълим соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган мақсадлардан бири ҳам дарс жараёнида миллий қадриятлар намуналарини ўрганиш ҳамда уларда илгари сурилган инсонпарварлик, ватанпарварлик ғоялари орқали ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир. Дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг дунёқараши шакллана боради, мустақил фикрлашга ўрганади, дунёвий билимлар билан танишади ва уларнинг узлуксизлиги ривожланиб боради. Ҳар бир дарснинг муваффақияти унинг олдида қўйилган мақсадига боғлиқдир [1]. Қачонки, мақсад аниқ ва пухта, ўқувчини ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган бўлса, дарснинг самарадорлиги таъминланади.

Ватанга эътиқодни шакллантириш мақсади ҳам педагогик жараённинг самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Бунда бошланғич синф ўқитувчиси педагогик жараён олдида қуйидаги мақсадларни кўя олиши керак:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаолияти ҳамда миллий истиқлол негизида ифодаланган она-Ватанга эътиқодни шакллантириш ҳақидаги фикрлардан дарс жараёнида унумли фойдаланиш.

2. Дарсда ўрганилаётган мавзудаги миллий қаҳрамонларнинг айнан ватанга бўлган эътиқодини намуна сифатида кўрсата олиш (Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Жалолiddин Мангуберди, Темур Малик ва Амир Темур кабилар).

3. Машхур алломаларнинг ватанга эътиқод ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан унумли фойдалана олиш.

4. Ватанга эътиқодсиз инсонларнинг хатти-ҳаракати туфайли содир бўлган воқеаларнинг оқибати натижасида (Тошкент, Андижон воқеалари) халқимиз ва ватанимизга етказилган озорлар тўғрисида маълумот бериш орқали ватанга эътиқоднинг вужудга келиши мумкинлигини мақсад қилиб олмоғи лозим.

Бугунги кунда мактабларда синф-дарс шаклидаги машғулотлардан фойдаланиб келинмоқда ва уларга қўйилган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. Дарсларни қизиқарли уюштириш учун ўқитувчилар янгича дарс турларидан, турли-туман интерфаол усул ва воситалардан фойдаланишлари лозим. Бошланғич синф ўқитувчилари миллий кадриятлар воситасида ватанга эътиқодни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган педагогик жараёни ташкил этишда дарсликдаги мавзулар билан боғлиқ ҳолда эртақлардан фойдаланишлари муҳим аҳамиятга эга.

Бу каби машғулотларни ватанга оид бўлим юзасидан такрорлаш дарсларида уюштириш мумкин. Бундай дарслар эртақлар асосида уюштирилади, натижада ўқувчиларнинг машғулотларга нисбатан қизиқишлари янада ошади, бўлим юзасидан олган билимлари мустаҳкамланади, ватанга муҳаббат ҳислари таркиб топиши билан биргаликда, жамоа бўлиб ишлашга, бирдамликка ўрганадилар. Эртақларни болалар онгига етказишда уларни бадий тарзда ифодалаш, айниқса сахна дарси тарзида ташкил этиш эртақларнинг таъсир кучини янада оширади. Эртақларни болаларнинг ўзлари иштирокида сахналаштириш уларда ватанга бўлган ҳурматни кучайтиради, уларнинг ахлоқий тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади, ёмонлик устидан яхшилик, кўрқоклик устидан ботирлик, ялқовлик устидан меҳнатсеварликнинг ғалаба қозонишига ишочни таркиб топтиради.

Эртақ асосида сценарийли дарсларни ташкил қилишда ўқитувчининг ижодкорлик қобилияти асосий ўринни эгаллайди. Ўқитувчи дарс лойиҳалашда ўқувчининг ёши, индивидуал хусусияти ва дарснинг давомийлигига алоҳида эътибор қаратиши, ролларни тақсимлашда барча синф ўқувчиларининг иштирокини таъминлашга ҳаракат қилиши лозим. Эртақ дарс сценарийсини тузишда ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларини синаш ва қизиқишларини ошириш мақсадида бошқотирма, ребус, ўйин-топишмоқ каби дарс самарадорлигини оширувчи воситалардан фойдаланиши лозим.

“Бошқотирма” (кроссворд) – ўқувчилар билимини текшириб кўриш, мустаҳкамлашга имкон яратадиган дидактик воситадир. Бошқотирмалар ўқувчилар ёшига мос ҳолда, содда кўринишда тузиб олинади. Масалан 1-синфлар учун ватанга оид мавзулар ўрганилганда қуйидагича бошқотирма тузиш мумкин:

Болалар, мана бу бўш катакчаларга унли ҳарфларни қўйсангиз, сизу бизга азиз бўлган нарсанинг номи келиб чиқади: (Она Ватан)

	Н	
--	---	--

В		Т		Н
---	--	---	--	---

ёки дарсликларда ватанга оид мақоллар берилганки, уларни ҳам бошқотирма тарзида ифодаланса, ўқувчилар мақолларни хотираларида сақлаб қоладилар. Масалан: 2-синф «Ўқиш» дарслигида «Ватан - она, остонаси – олтин» [15, 3] мақоли берилган, уни топиш учун қуйидагича бошқотирма тузилади ва ўқувчилардан бўш катакчаларга ундош ҳарфлардан қўйишлари сўралади.

	А		А				
	О		А				
О			О		А		И
	О			И			

Бошқотирмалар дастлаб ўқитувчининг кўмагида ечиб борилади, болалар улғайиб бориши натижасида бошқотирмаларнинг кўриниши ҳам мураккаблаштирилади. Баъзан бошқотирмаларда калит сўзлар ҳам мавжуд бўлади. Унда калит сўз ёзилган катакчалар қалин чизик билан чегараланган бўлади. Калит сўзни 1-2-синфларда ўқитувчи ёрдамида, 3-4-синфларда ўқувчиларнинг ўзлари мустақил ҳолда топа билишлари керак.

Дарсларда “Ўйлаб топ” типидagi воситадан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Шунингдек, бу типдаги топшириқлардан такрорлаш дарсларида ҳам фойдаланиш мумкин. У қуйидаги тарзда ташкил этилади. Ўқитувчи бирор бир нарса ва предметни сўз ёки топишмоқ ёрдамида уч марта таърифлайди. Таърифлар борган сайин соддалашиб бораверади. Соддалашиб бориши натижасида ўқувчиларнинг баллари ҳам пасайиб бораверади. Яъни биринчи таъриф эълон қилингандаёқ жавоб топган ўқувчиларга 3 балл, 2-таъриф ўқилгач, жавоб берган ўқувчиларга 2 балл, 3-таъриф эълон қилингандан кейин жавоб берган ўқувчиларга 1 балл берилади. Масалан, 1-2-синф

Ўқувчилари ватан тушунчасини англаб олишлари учун қуйидагича таърифлардан фойдаланиш мумкин.

1. У жудаям каттакон, сарҳадлари кенг.
2. Унинг номига доимо она сўзини кўшиб ишлатамиз.
3. Онам каби меҳрибон,
Боғу роғларга макон.
Осмони мовий денгиз
Тупроғи олтин мағиз.

(Жавоб: Ватан)

“Ўқиш” ва “Одобнома” дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос руҳий-маънавий ҳолатидан унумли фойдаланиб дарсларни қизиқарли уюштириш билан ҳам ўқувчиларда ватанга эътиқодни шакллантириб бориш мумкин.

Бу руҳий-маънавий ҳолат ўқувчиларда дарсликларда акс этган мавзу юзасидан ўқитувчи томонидан қилинган ҳикоя, суҳбат ёки кўриниш тарзида, халқ оғзаки ижоди намуналарини тинглаганда, айниқса, ватан фидойиларининг қаҳрамонликларини ҳикоя қилганда содир бўлади. Бизга маълумки, болалик деб аталмиш бу давр ўзининг ишонувчанлиги, тақлидчанлиги, қизиқувчанлиги ҳамда соддалиги билан улар ҳаётида ўчмас из қолдиради. Улар юқоридаги воқеаларни тинглаганларида, ўша қаҳрамонларга ўхшагиси келади, ўзларининг ўйинларида уларга тақлид қиладилар, ўқувчилар албатта халқ ҳимоячиси ва ватанга эътиқодли инсонлар бўлишга ҳаракат қила бошлайдилар. Бу каби мақсадларни дарс жараёнида амалга оширишда ўқитувчи асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, ўқитувчининг нутқи, мимикаси, ишонтириш қобилиятининг таъсири орқали ўқувчилар асар қаҳрамонларининг хислат ва хусусиятларини яққол тасаввур қила оладилар.

Демак, ўқитувчи дарс жараёнини яхши ташкил қилиши учун нафақат билимли, балки педагогик маҳорат ва педагогик техникани яхши эгалаган бўлиши лозим. У ўқувчига қачон ва қандай таъсир ўтказишни билиши, шу билан бирга озроқ куч сарфлаб, кўпроқ натижага эришиш йўлларини излаши лозим.

Кузатишларимиз натижасида шу нарса аниқ бўлдики, бошланғич синф ўқитувчилари ёзма ишлардан фақат она тили дарсларида фойдаланишади. Бундай машғулотлар аксарият ҳолларда, ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини текширишга қаратилган бўлади (иншо, диктант). Ваҳоланки, “Ўқиш”, “Одобнома” ва бошқа дарсларда ҳам ёзма иш турларидан фойдаланиш яхши натижаларга олиб келади. Ёзма ишлар болаларни мустақил фикрлашга, дунёқарашини ўстиришга хизмат қилиши билан бирга, барча ўқувчиларнинг мавзу юзасидан олган билимларини текшириб кўришга имкон беради. Бўлим ёки мавзу якунида ёзма ишлар ташкил этилганда ўқувчилар дарсда олган билимларини мустаҳкамлайдилар, мавзуга қайта мурожаат этиш орқали ватан ҳақидаги тасаввурлари янада теранлашади, хотирасидан мустаҳкам жой олади. Ёзма ишларни бажариш жараёнида ўқувчиларда ватанга нисбатан ғурур, муҳаббат туйғулари тарбияланади. Бошланғич синф ўқитувчиси ёзма иш учун ўзи мустақил ҳолда мавзу танлаши ҳам мумкин, албатта, бу мавзулар ҳам ватанга эътиқодни шакллантиришга хизмат қилмоғи лозим. Мавзулар қуйидаги мазмунда “Мен ватан учун нима қила оламан”, “Ватаним - онам”, “1 Сентябрь - Ватаним қайта туғилган кун”, “Она табиат, онам каби меҳрибон”, “Жалолиддин Мангуберди - ватанга эътиқодли инсон” каби мавзуларда бўлиши мумкин.

Ватанга эътиқодни тарбиялашда дарс самарадорлигини ошириш талабларига жавоб бериш учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг диққатини қуйидаги масалаларга қаратиши керак деб ҳисоблаймиз:

1. Дарс жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг таркибий қисмлари ҳақида бошланғич синф ўқувчиларнинг билим ва қизиқиш доираларини ҳисобга олган ҳолда, элементар тушунчалар беришни йўлга қўйиш.

2. “Ватан”, “ватанпарварлик”, “ватанга эътиқод” тушунчаларининг мазмун, моҳияти, вазифалари ҳақида маълумотга эга бўлишлари ва уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига эътибор қарата олиши.

3. Аждодларимиз орасида ўтган ватанга эътиқодли инсонларнинг фаолиятларини таҳлил қилиш асосида ўқувчиларнинг диққатини ватанпарварлик, ватанга эътиқод тушунчаларига қаратиши.

4. Дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини ватанга эътиқодли қилиб тарбиялашда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклигини таъминлай олиш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳурмат ва дўстона муносабатни тарбиялаши лозим [5].

Бошланғич синфларда ватанга эътиқодни шакллантиришнинг асосий омили бўлган дарс жараёнида ватанга эътиқодни шакллантириш самарадорлигини оширишда қуйидаги методлардан

фойдалиниш зарур деб ҳисоблаймиз: *кузатиш ва назорат қилиш, суҳбат ва ҳикоя, тушунтириш, рағбатлантириш ва танбеҳ бериш, маъқуллаш, кўргазмалilik, намуна кўрсатиш, ишонтириш, баҳс, мунозара* кабилар.

Демак, дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг ёзма, ижодий ишларидан самарали фойдаланиш яхши натижа беради, бу борада қатор педагогик шартларга риоя қилиш керак деган фикрга келдик:

1. Ёзма ишлар “Ўқиш” ва “Одобнома” фанларидан амалга ошириладиган ишларнинг режасида кўрсатилиши, унинг мақсади, уларга қўйиладиган талаблар аниқ белгиланган бўлиши лозим.
2. Юқоридаги фанлардан ёзма ишларни уюштиришдан олдин, ўқувчилар мавзу юзасидан билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари шарт.
3. Ёзма ишларни ташкил қилишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, кизиқишлари, талабларини ҳисобга олиш лозим.
4. Ёзма ишларни эркин мавзуда танлаш қондасига амал этиш зарурки, бунда бола ўз имкониятларини ўзи ҳисобга олади.

Ёзма ишларнинг турлари кўп бўлиб, шулардан бири иншодир. **Иншо** -ўқувчиларнинг ижодий мустақил ишлари туркумига кириб, уларни ватанга эътиқод руҳида тарбиялашда асосий восита бўла олади. Иншолар ўқувчиларнинг дарсда ўтилган мавзулари, кузатган объектлари, эшитган ҳикоялари асосида уюштирилади. Дарс жараёнида эса, ўтилган мавзу ёки бўлим якунини хулосалаш учун ҳам иншолар ёздирилади.

Бошланғич синфларда иншо 2-синфдан бошлаб ёздириб борилади. Бунда ўқувчиларга 5-6 гапдан иборат ватан мавзусидаги иншоларни ёздириш мумкин. Иншо намунасини қуйидаги кўринишда тавсия қиламиз:

Ватан

Менинг ватаним Ўзбекистон. Унинг пойтахти Тошкент. Ватан мен учун азиз. Мен уни онам каби ардоқлайман. У боболарим ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоийларни вояга етказган.

3-,4-синфларда эса иншонинг мазмуни, ҳажми кенгайиб боради. Бу синфларда иншо ёзиш учун ўқувчилар иншога мустақил мавзу танлайдилар, режа тузадилар, фикрларни мантикий боғлашга ҳаракат қиладилар. Бунда ўқувчиларнинг сўз бойлиги, саводхонлиги, фикр доирасининг кенг ёки торлиги асосий аҳамиятга эга.

Иншо ёздириш уч босқичда амалга оширилади:

– тайёргарлик босқичи. Мавзуга оид тайёргарлик ишлари иншо ёзишдан бир неча кун олдин бошланади. Экскурсиялар уюштирилиши мумкин, мутафаккирлар, миллий қаҳрамонлар ҳаёти ҳақида фильмлар томоша қилинади;

– асосий босқич. Бу босқичда ўқитувчи мавзунини ўқувчилар билан муҳокама қилади, режа тузилади. 2-синфда режани ўқитувчи тузиб беради.

3-синфда ўқувчилар билан биргаликда режа тузилади, 4-синфда эса, ўқувчилар мустақил режа тузадилар;

– якуний босқич. Бу босқичда ўқувчилар ёзган иншолари матнини қайтадан ўқиб чиқадилар. Хато ва камчиликларни тузатадилар [6].

Таълим жараёнида энг самарали фойдаланиладиган ижодий иш турларидан яна бири – бу **баён**дир. Бизга маълумки, бошланғич синфлар дарсликларидан кўпчилик мавзулар матн билан ишлашни талаб қилади. Матнлар ўқитувчи томонидан бир марта ифодали ўқиб берилгандан сўнг, ундаги фикрлар оғзаки ҳикоя қилинади. Ёки ўқувчи матнни ўқиб, ўз фикрларини ҳикоя қилиб бериши мумкин.

Бошланғич синфларнинг “Ўқиш” ва “Одобнома” дарсларида баён қуйидаги тартибда ёздирилади:

1. Ўқитувчи матнни ифодали ўқиб эшиттиради ва қайта ҳикоя қилиб беради.

2. 1-,2-синфларда баён режаси ўқитувчи томонидан тузилади ва ўқувчиларга тушунтирилади. 3-, 4-синфларда эса баён режасини ўқувчиларнинг ўзлари туза олиш кўникмасига эга бўлишлари лозим.

3. Ўқувчилар матн мазмунини режа асосида бир неча марта ҳикоя қиладилар.

4. Ўқитувчи янги сўзлар имлоси ва маъноси ҳақида ўқувчиларга тушунча беради ва улар баён ёзишга киришадилар.

Бошланғич синфларда кўпроқ матнлар асосида баён ёзиш яхши натижа беради. Бунда ўқитувчи матнни ўзи ёки ўқувчидан ифодали ўқиб беришни сўрайди. Сўнгра матнни бир неча ўқувчи оғзаки ҳикоя қилади. Синфда ўқувчилар ўқитувчининг назорати остида режа тузадилар. Режа асосида баён ёзишга киришилади.

Бошланғич синф ўқувчилари “Ўқиш” ва “Одобнома” дарсларида ёзма ишларни ёзишда қуйидаги камчиликлар кузатишмоқда:

1. Ўқувчининг ўқиш ва ёзиш кўникмаси тўла шаклланимаганлиги намоён бўлмоқда.
2. Аксарият ҳолларда ўқувчилар ўз диққатларини мавзу доирасида жамлай олмаяптилар.
3. Уларда берилган мавзуга қизиқиш сезилмаяпти.
4. Баъзи ўқувчиларнинг тасаввур қилиш кўникмаси етарлича ривожлантирилмаган [7].

Ўқитувчи бу камчиликларни ўз вақтида пайқаб, уларни бартараф этиш устида ўқувчилар билан мунтазам иш олиб бориши лозим. Ўқувчилар “Ўқиш” дарсларида иншо, баён ёзганларида қуйидаги халқ оғзаки ижоди намуналари: эртак, афсона, ривоят ва алломалар ҳаёти ва асарлари, ватан ҳақидаги ибратлар қабилар билан яқиндан танишадилар. Ёзма ишлар ёзиш жараёнида уларда миллий ғурур, ватанга садоқат, она табиатни асраш, аجدодлар хотирасига ҳурмат ҳислари тарбияланади.

Демак, бошланғич синф ўқувчилари таълим жараёнида дунёвий билимларни эгаллашлари билан бир қаторда қуйидаги тушунчаларни ҳам ўзлаштиришлари лозим:

- Ватан, она-Ватан, ватанпарварлик, эътиқод, “ватанни суймак иймондандир”, истиқлол, мустақиллик, кадриятлар каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини;
- Ватан рамзларида нималар ифодаланганлигини билишлари, мадҳияни қуйлай олишлари ва ундаги сўзларнинг маъносини тушуна олишлари;
- Конституция, Мустақиллик байрами, ҳарбийлар куни, миллий байрамларни нима муносабатда нишонланишини;
- Ватанимиздан етишиб чиққан машҳур алломаларни ва уларнинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссалари, миллий қаҳрамонларнинг номларини;
- Ватанимиз бойликлари, табиати, ҳайвонот дунёси, об-ҳавоси ҳақида маълумотга эга бўлишлари;
- яшаб турган жойларидаги обидаларнинг тарихини билишлари [8].

Бошланғич синф дарсларида миллий кадриятларни ўрганиш, биз тадқиқ қилаётган мавзу юзасидан ўқувчиларга қўшимча маълумотлар бериш, дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ноанъанавий тарзда уюштириш, ёзма ишлардан унумли фойдаланиш бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқодни шакллантиришда самарали натижаларга олиб келади. Биз кузатув олиб борган барча мактабларда ҳам миллий кадриятларни ўрганиш, таълим ва тарбия жараёнида қўллаш, ўқувчилар онгига миллий кадриятларда ўз ифодасини топган ватанпарварлик тушунчаларини сингдириш, миллий ғурурни шакллантириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бошланғич синфларда амалга оширган кузатишларимиз шуни кўрсатдики, дарсликларда ватан ҳақидаги ўқув материалларига етарли ўрин ажратилган, шу билан бир қаторда ўқитувчилар томонидан ўқувчиларга ватанпарварлик тушунчаларини сингдиришга ҳаракат қилинади.

Адабиётлар

1. Бозорова М. Кичик мактаб ўқувчиларида дўстлик, ўртоқлик ҳиссини тарбиялашда халқ анъаналаридан фойдаланиш. (Ўзбек халқ эртаклари асосида): Пед.фанл.номз... ёзилган дисс. Низомий номидаги ТДПУ.- Т., 1994.-172 б.
2. Бойтуллаев Р. Аждодлар меросини ўрганиб // Мулоқот.-2004.-№5.-Б.29-30 б.
3. Ватанни севмоқ иймондандур.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1995.- 64 б.
4. Гасанов З.Т. Проблемы воспитания патриотизма, дружбы народов, веротерпимости: необходимость новых подходов к разработке методологии и теории воспитания // Педагогика. – 2001.- №4. – С.24-30.
5. Гера Р. Воспитание патриотизма средствами краеведения // Воспитание школьников. – 2005. -№10. – С.6-8.
6. Жабборов А.М. Ўзбек мактаби ўқитувчисининг психологик ва этник хусусиятлари. Психол. фанл. докт. дисс. Т.: 1999 й. – 317 б.
7. Жавлиев Т. Анъаналар ҳаёт сабоғи.- Т.: Ўқитувчи, 1992.- 87 б.
8. Жалолов А. Ўзбекистон мустақиллик, маънавият ва мафкура.-Т.: Маънавият, 2004.- 189 б.